



## КОРХОНАЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ВА ИНВЕСТИЦИОН РИВОЖЛАНИШ ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ

**Батирова Нилуфар Шеркуловна,**

*PhD, доц.в.б., Ўзбекистон халқаро ислом академияси*

*"Ислом иқтисодиёти ва молияси" кафедраси доцент в.б.*

*Toшкент, Ўзбекистон. E-mail: [nilu808@mail.ru](mailto:nilu808@mail.ru)*

*ORCID: 0000-0001-7542-0825*

## EVALUATION OF THE LEVEL OF INNOVATIVE AND INVESTMENT DEVELOPMENT OF ENTERPRISES

**Batirova Nilufar Sherkulovna,**

*PhD, Associate Professor, International Islamic Academy of Uzbekistan*

*"Islamic Economy and Finance" Department Associate Professor V.B.*

*Tashkent, Uzbekistan. E-mail: [nilu808@mail.ru](mailto:nilu808@mail.ru)*

*ORCID: 0000-0001-7542-0825*

### **JEL Classification: D04, D25**

**Аннотация.** Мамлакат иқтисодиётининг микро даражада ривожланишининг асосий бўғини бўлган корхоналарниң инновацион инвестицион ривожланиши миллий иқтисодиёт тараққиёти учун импульс ёки асосий ҳаракатлантирувчи куч вазифасини бажармоқда. Хозирги кунда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти мутахассисларининг таҳлилига кўра, корхона ва ташкилотларнинг охирги ўн йилликдаги ривожланишида инновация ва инвестициялар алоҳида ўрин эгалламоқда. Саноат корхоналарининг барқарор ва самарали ривожланиши, аввало, бу мамлакатда инновацион ривожланишини разбатлантирувчи механизмларни ишлаб чиқиши назарда тутади. Мақолада саноат корхоналарини инновационлик даражаси ва молиявий барқарорлигини баҳолашининг назарий жиҳатлари ва таҳлил йўналишлари ёритилган. Шунингдек, корхоналарниң инновацион ривожланиши ўйлини амалга оширишда ресурс

салоҳияти ва инвестицион имкониятларини түгри баҳолашиб масалаларига алоҳида тўхтталган. Корхоналар фаолиятини инновацион баҳолашиб бўйича солиштирма таҳлил амалга оширилган. Хулосада саноат корхоналарининг инновацион-инвестицион ривожланишини таъминлашиб йўналишлари ишлаб чиқилган.

**Abstract.** The innovative investment development of enterprises, which is the main link in the development of the country's economy at the micro level, acts as an impulse or the main driving force for the development of the national economy. Today, according to the analysis of experts from the Organization for Economic Cooperation and Development, innovation and investments have occupied a special place in the development of enterprises and organizations in the last decade. Stable and effective development of industrial enterprises, first of all, implies the development of mechanisms that stimulate

innovative development in this country. The article describes the theoretical aspects and directions of analysis for evaluating the level of innovation and financial stability of industrial enterprises. Also, the issues of correct assessment of the resource potential and investment opportunities of the enterprises in the implementation of the innovative development path were specially touched upon. A comparative analysis was carried out on the innovative assessment of enterprise activity. In conclusion, directions for ensuring innovative and investment-driven development of industrial enterprises have been developed.

**Калит сўзлар:** корхона, инвестиция, инновация, саноат, молиявий барқарорлик, кооффициент, салоҳият, ресурс, омил, баҳолаши, солиштирма таҳлил, тўплам.

**Keywords:** enterprise, investment, innovation, industry, financial stability, coefficient, capacity, resource, factor, evaluation, comparative analysis, collection.

**Кириш.** Корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш жараёнини инновацион ривожланиши йўли ва тараққиётнинг инновацион стратегиясини аниқлашда уларнинг ресурс имкониятини баҳолаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Янги илмий билимлар, ғоя, кашфиёт, ишланмалар трансформацияси, шунингдек, бозор талабига мувофиқ мавжуд технологияларнинг янги маҳсулот ишлаб чиқариш учун мукаммаллашуви ҳозирги рақобат шароитида муҳим масала ҳисобланади. Бунда саноат корхоналари инновацион мақсадларга эришиши учун инновацион салоҳиятга эга бўлиши лозим.

**Материал ва метод.** У.Пауэлнинг фикрича, саноат тармоқларида инновацион

салоҳиятни оширишда кадрлар масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим [1]. Корхона ва ташкилотларнинг куч-қудратини баҳолаш ҳамда уларнинг инновацион даражасини баҳолашда ресурс омили муҳимлилиги эса Л.Смит [1]. С.Кочеткова эса [2], инновацион салоҳият саноат корхоналарини ўз ресурслари ҳисобига инновацион ривожланиш имкониятини кўрсатади деб фикр билдиради. Ушбу ресурслар таркибига инвестицион ва ишлаб чиқариш, меҳнат ресурслари киради. Бошқа тадқиқотларда эса инновацион салоҳият деганда инновацион жараёнларни амалга ошириш учун зарур омил ва шароитлар тизими тушунилади [3]. Инновацион салоҳиятни баҳолаш асосида корхонанинг инновацион имконияти баҳоланади. О.А.Романова, Ф.В.Базагова, В.И.Зинченко, Р.Е.Преображенский [4], А.Льюис, Р.Солоу, А.Волтес, В.Н.Гунин, В.П.Баранчеев, Н.П.Масленникова, В.М.Мишин [5], Б.А.Бегалов, Х.Т.Мухитдинов, А.Кенжабаев [6, 7, 8]нинг ишларида инновацион салоҳият тушунчасига тизимли ёндашув нуқтаи назаридан қаралган ҳамда инновацион стратегик ўзгаришлар дастури ёки лойиҳани амалга оширишга тайёргарлик даражаси барқарор саноат ишлаб чиқариш ҳамда инновацияга тайёрликдан иборат деб таърифланган.

Тадқиқот иши давомида кузатиш, қиёслаш, тизимли ва қиёсий таҳлил каби усуулардан фойдаланилди. Бир қанча мавзуга доир миллий ва хорижий адабиётларда мавзуга доир тадқиқотлар ўрганилди ва таҳлил этилди. Мавзуга доир бугунги кундаги тенденция баҳоланди.

**Натижалар.** Саноат корхоналарнинг инновацион-инвестицион салоҳиятини баҳолашда леверидж, соф ва ялпи рентабеллиги, ликвидлик коэффициентлари, шунингдек,



иқтисодий қўшилган қиймат кўрсаткичларидан фойдаланишни назарда тутади. Уларнинг таркибида жорий ликвидлик ва молиявий леверидж коэффициентлари саноат корхоналарини инновацион фаолиятни амалга оширишдаги молиявий имкониятларини кўрсатади [9]. Инновацияга энг кам риск билан маблағ йўналтирилиши учун корхонанинг ўз капиталидан жорий ҳолатда самарали фойдаланишга эътибор қаратиш лозим. Бунинг учун, одатда, иқтисодий қўшилган қиймат кўрсаткичи алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади.

Хусусий капитал, соф ва активларнинг рентабеллик коэффициентларини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш эса корхонанинг ўз капиталини ошириш имкониятини баҳолаш даражасини кўрсатади. Инновацион лойиҳаларни амалга оширишга одатда жорий фаолияти юқори даромадлиликни ифодаловчи корхоналар тайёр бўлади, бу эса ялпи маржа коэффициенти зарурлигини кўрсатади. Молиявий капиталнинг инновацион йўналганлиги ҳамда унинг натижасини баҳолаш корхоналарининг инновацион-инвестицион салоҳият даражасига объектив баҳонинг шаклланишига имкон

беради. Бу эса ўз навбатида асосий воситаларнинг янгиланиши, инвестицион ривожланишни молиялаштириш, инвестицион фаоллик, натижавийлик каби кўрсаткичлардан самарали фойдаланишни назарда тутади. Ушбу кўрсаткичларни мунтазам таҳлил қилиб бориши замонавий фан-техника тараққиёти талабларига мос равища асосий воситаларни янгилашга йўналтирилган маблағлар ҳажмини ҳисобга олган ҳолда инновацион - инвестицион салоҳиятини баҳолаш имконини беради [10].

Саноат корхоналарини инновацион ривожланишини таҳлил қилиш жараёнида турли-туман фаолият турлари нуқтаи назаридан саноат тармоғининг инновацион фаоллигини баҳолаш муҳим бўлиб, бу ерда инновацион фаол корхоналарнинг жами саноат корхоналаридаги хиссаси муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Бу ерда асосий эътиборли жиҳат шундаки, охирги уч йилда инновацион лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида оддий корхоналарни инновацион фаол корхоналарга айлантириш муҳим ҳисобланади. Бунда корхоналарнинг молиявий барқарорлиги алоҳида ўрин тутади (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### Корхоналарни молиявий барқарорлигини баҳолаш [11]

№	Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари	Ҳисоблаш формуласи
1	Корхоналарни ўз айланма маблағларни мавжудлиги	Айланма маблағларини мавжудлиги=хусусий капитал манбалари-асосий восита ва қўйилмалар
2	Корхоналарни ўз маблағлари ва узоқ муддатли қарз маблағлари манбалари	Айланма маблағларни мавжудлиги ва узоқ муддатли қарз маблағлар=ўз айланма маблағларни мавжудлиги+узоқ муддатли кредитлар
3	Захира ва харажатларни шакллантириш учун маблағларнинг асосий манбаларини умумий ҳажми	Захира ва харажатларни шакллантириш учун маблағларнинг асосий манбаларини умумий ҳажми= Ўз айланма маблағларни мавжудлиги ва узоқ муддатли қарз маблағлар+қисқа муддатли кредит ва қарзлар

Шунингдек, корхона ва ташкилотларини инновацион ривожланишини бир неча босқичларда таҳлил қилиш ҳамда технологик инновация каби рақобатбардошлик ва меҳнат унумдорликнинг омиллари алоҳида таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир (2-жадвал). Шу сабабли технологик инновацияга ажратилган харажатларнинг ҳисса кўрсаткичларини таҳлил қилиш минтақанинг инновацион салоҳиятини баҳолашдан ташқари ҳар бир кўрилаётган саноат корхонасини алоҳида таҳлил қилиш имконини беради. Натижада таҳлилларнинг инновацион ривожланиш бўйича қарорлар кабул қилишда қимматини ошади.

Ушбу таҳлилнинг навбатдаги босқичида интеграл индексларни

ҳисоблаш жараёни ўрин эгаллади. Ушбу ҳолатда ишлаб чиқариш жараёнида кўшилган қиймат (бу кўрсаткич ишлаб чиқаришнинг технологик ривожланиш даражасини ифодалайди, ишлаб чиқариш таннархидан моддий харажатларини мутлақ миқдорда чиқарип ташлаш орқали ҳисобланади); ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида юқори технологик тармоқларга инвестиция ҳажми (%да); қайта ташкил этилган юқори унумдорли ишчи жойларининг миқдори ҳисобланади. Бундан кўриниб турибдики, корхоналарнинг инновацион фаоллигини баҳолаш рақобатбардошлигини ошириш билан бир қаторда, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар таркибида юқори технологик маҳсулотларнинг ҳиссасини ошириш имконини беради.

## 2-жадвал

### Корхоналарини инновацион ривожланиш даражасини таҳлил қилиш

Таҳлил кетма кетлиги	Кўрсаткичлар номи
Саноат корхоналарининг инвестициявий жозибадорлигини баҳолаш	-жорий ликвидлик коэффициенти -молиявий леверидж коэффициенти -ялпи рентабеллик кўрсаткичи -активлар рентабеллиги коэффициенти -ўз маблағларини қарз маблағларига нисбати коэффициенти
Саноат тармоғи бўйича илмий тадқиқот ишланмаларини бажарилиши	-саноат тармоғига йўналтирилган илмий тадқиқот ишланмалар ҳажми -саноат тармоғига йўналтирилган лойиха конструкторлик ва технологик ишлар ҳажми -юқори технология саноат тармоғига йўналтирилган илмий тадқиқот ишланмалар ҳажми -илмий тадқиқот ишланмаларида олий таълим муассасаларини ҳиссаси -илмий тадқиқот билан шуғулланувчиларни ёш жиҳатдан таркиби
Саноат корхоналарини инновацияга йўналтирилган молиявий маблағларни баҳолаш	-интелектуал мулк обьектлари мавжудлиги коэффициенти, патентлар сони -патентлар таркибида саноат намуналари -асосий воситаларини янгиланиш коэффициенти -инвестициявий фаоллик коэффициенти -инновацион харажатларни молиялаштириш таркибида хорижий инвестициялар ҳиссаси -ИТТКИларини молиялаштиришда давлат ҳиссаси

Бу кўрсаткичнинг афзал томони таҳлил қилиш учун нисбий кўрсаткич эканлиги ва уни қиёслаш имкони мавжудлигидир. Халқаро амалиётга кўра, юқори технологик тармоқса йўналтирилган инвестиция ҳажмининг ошиш даражаси ЯҲМ ҳажмининг ўсиш даражасидан юқори бўлиши интенсив илмий-техник ривожланишнинг асосий шарти, яъни ЯҲМ ҳажмининг ошиш суръатидан инвестиция ҳажмининг ошиш суръати юқори бўлиши базис инновацияга молиявий қўллаб-куватлашни йўналтиришни талаб этади.

**Мунозара.** Корхоналарнинг салоҳиятини тўғри баҳолаш учун миқдор ва сифат омиллари хамда инновацион омилни тўлиқ хисобга олган ҳолда баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш лозим. Бунда керакли кўрсаткичларни иккига бўлиш мумкин. Булар омил ва натижавий кўрсаткичлар бўлиб, улар қуидагича тақсимланади (3-жадвал).

Таҳлилларга кўра, бир тармоқса тегишли корхоналар мажмууни ривожланишининг инновацион йўлини

амалга оширишда бир қанча мураккабликлар мавжуд. Булардан бири инновацион ғояларни амалга оширишда молиявий таъминот ҳамда лойиҳаларнинг риск даражасини тўғри хисобга олиш заруратидир.

Инновацион жараёнларни фаоллаштиришни давлат томонидан фаол тартибга солишиз амалга ошириш мумкин эмас. Сўнгги йилларда инновация ижтимоий иқтисодий ривожланишнинг муҳим омилига айланди. Биз У.Пауэл, Л.Смит, С.Кочеткова, А.Николаев, В.Гунин, А.Трифилова, В.Баранчеев, Ч.Кобб, П.Дуглас, А.Анчишкин, Ш.И.Мустафакулов, Г.Б.Шаназарова, Ф.Шакирова, З.Гаибназарова, Г.Хасанова, Р.Назарова, Ш.Зайнутдинов, Х.Мухитдинов, У.Фофуров, И.Умаров сингари хорижлик ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг тадқиқотларини ўрганиб, корхоналар ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар ва уларнинг сифат кўрсаткичини баҳолаш услубини такомиллаштиридик (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Корхоналар салоҳиятини баҳоловчи омил ва натижавий кўрсаткичлар гурухи (саноат корхоналари мисолида)

№	Кўрсаткич	Ўлчов	Қуий чегара	Вазн (%)
<b>1. Омил кўрсаткичлари</b>				
<b>1.1. Ишлаб чиқариш фондлари ҳолати</b>				
1	ИТТКИига ажратилган технологик база	%	>10%	20
2	Асосий фондларининг янгиланиш даражаси	%	>60%	20
3	Асосий воситаларнинг умумий фондлари хиссаси	%	>40%	25
4	Кашфиётлар фоаллиги коэффициенти	%	>500	35
<b>1.2. Мехнат ресурслари</b>				
5	Бир тармоқ бўйича илмий тадқиқот билан шуғулланувчиларнинг ёш жиҳатдан таркиби	%	>30%	30
6	Мехнат ресурслари умумий таркибида ИТТКИ билан банд бўлганлар хиссаси	%	>30%	30
7	Мехнат ресурслари таркибида олий маълумотлилар	%	>40%	20

	хиссаси			
8	Хар 1000 та ахолига нисбатан ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида талабалар миқдори	та	>600	20
<b>1.3. Инвестицион таъминот</b>				
9	Юқори технологик тармоққа йўналтирилган инвестиция ҳажмининг ошиш даражаси (ЯҲМҳажмининг ошиш даражасига нисбати)	%	>=100%	20
10	ИТТКИларини молиялаштиришда давлат хиссаси	%	>35%	20
11	ИТТКИга ички харажатларни йўналтириши	Сўм	>50%	20
12	Тармоққа йўналтирилган инвестицияни жами минтақага йўналтирилган инвестицияга нисбати	%	>50%	20
13	Инновацион харажатларга йўналган хорижий инвестициялар хиссаси	%	>25%	20
<b>1.4. Инновацион технологик омил</b>				
14	Тармоққа йўналтирилган лойиҳа конструкторлик ва технологик ишлар ҳажми	сўм	>10%	12
15	Технологик инновацияга йўналтирилган харажатлар хиссаси	%	>50%	20
16	Тармоққа йўналтирилган илмий тадқиқот ишланмалари ҳажми	%	>30%	12
17	Технологик инновацияга харажатлар таркибида машина ва ускуналарга харажатлар хиссаси	%	<30%	16
18	Технологик инновацияга харажатлар таркибида ИТТКИга харажатлар хиссаси	%	>40%	8
19	Инновацион корхоналар таркибида саноат корхоналари хиссаси	%	>35%	6
20	Инновацион корхоналар таркибида юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар хиссаси	%	>20%	6
21	Технологик инновацияга қилинган харажатлар интенсивлиги	%	>2%	5
22	Технологик инновацияни амалга оширувчи корхоналар хиссаси	%	>50 %	5
23	Юқори технологияли корхоналарга йўналтирилган илмий тадқиқот ишланмалари ҳажми	сўм	>30%	5
24	Технологик инновацияларни амалга оширувчи кичик корхоналар хиссаси, %	%	>10%	5
25	ИТТКИларига қилинган харажатларнинг ЯҲМга нисбати	%	>3%	4
<b>2. Натижавийлик қўрсаткичи</b>				
26	Инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқаришда олий таълим муассасаларини хиссаси	%	>50%	25
27	Жами маҳсулот таркибида юқори технологик маҳсулотлар хиссаси	%	>10%	20

28	Жами маҳсулот таркибида инновацион маҳсулотлар ҳиссаси	%	>30%	30
29	Инновацион маҳсулотларнинг рентабеллик коэффициенти	%	>30%	25

Ҳар бир кўрсаткич муаллиф томонидан таклиф этилган қўйи чегарага нисбатан пропорционал асосда ҳисобланади ва индекс топилади ( $Y_i(\max)=2$ ).

$$Y_i = \frac{X_i}{X_i^a} \quad (1)$$

Бу ерда:  $i$  – кўрсаткич номи,  $Y_i$  –  $i$  – кўрсаткич бўйича натижа,  $X_i$  – тармоқнинг  $i$  – кўрсаткичи,  $X_i^a$  –  $i$  – кўрсаткичнинг белгиланган меъёр чегараси. Ҳар бир груп таркибидаги кўрсаткичларга саноат ривожланишини ўлчашда муҳимлилигидан келиб чиқиб, вазн берилган (вазннинг умумий қиймати 100 фоизга teng). Мазкур вазнларни ҳисобга олган ҳолда ўртacha геометрик баҳолаш орқали гурухнинг индекс кўрсаткичи топилади.

$$I_i = \sqrt{\frac{\sum_{j=1}^n w_j}{\prod_{j=1}^n Y_j^{w_j}}} \quad (2)$$

Бу ерда:  $I_i$  – белгиланган груп индекси,  $w_j$  –  $i$  груп таркибидаги  $j$  – кўрсаткичининг вазни. Ҳар бир груп учун индекс натижаси аниқлангандан сўнг бир ривожланишининг умумий индекси топилади. Бунда ҳам ҳар бир груп учун ҳисобланган алоҳида индексларга вазнлар берилади: масалан, инновацион технологик омил – 30 фоиз, инвестициявий таъминот 25 фоиз, ишлаб чиқариш фондлари холати 15 фоиз, натижавийлик кўрсаткичи 15 фоиз, меҳнат ресурслари 15 фоиз.

Барча кўрсаткичларнинг умумий индекс натижаси ўртacha геометрик баҳолаш орқали ҳисоблаб топилади.

$$I_{industry} = \sqrt{\frac{\sum_{i=1}^m w_i}{\prod_{i=1}^m I_i^{w_i}}} \quad (3)$$

Бу ерда:  $I_{industry}$  – тармоқ саноатини ривожланиш умумий индекси,  $w_i$  –  $I_i$  – груп индекси вазни ( $i=1$  дан тача).

Ҳисоб-китоблар натижасида тармоқ корхоналарининг инновацион-инвестицион салоҳияти ва унинг инновационлик даражаси баҳолангандা олинган натижа  $0,8 < I_{industry} < 1$  оралиғида бўлса, «жуда яхши» ҳолат,  $0,6 < I_{industry} < 0,8$  оралиғида «яхши»,  $0,4 < I_{industry} < 0,6$  оралиғида «ўрта», баъзи ўзгаришларни талаб этади,  $0,2 < I_{industry} < 0,4$  оралиғида «ўртадан паст» саноат мажмуасини юқори бўлмаган даражаси билан ифодаланади,  $0 < I_{industry} < 0,2$  оралиғида «ёмон», тубдан ўзгаришларни талаб этади, деб ҳисобланади.

Саноат корхоналарнинг салоҳияти ва унинг инновационлик даражасини баҳолаш корхоналарнинг ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишига хизмат қиласи, мавжуд ресурслардан фойдаланиш имконият даражасини таҳлил қилишига асос бўлади.

**Хулоса ўринида айтиш мумкинки,** корхоналарнинг инновацион ривожланиши илмга асосланиши лозим. Бу йўналишда инновацион ва юқори технологияли маҳсулотларнинг миқдорини ошириш асосий стратегик мақсадлардандир.

Демак, корхоналарнинг инновацион ривожланишида меҳнат унумдорлиги



ҳамда капитал ҳажмини ошириш масалалари алоҳида ўринга эга ҳисобланади. Бу йўналишда:

-инновацион фаолиятни тартибга соловчи меъёрий-хукуқий базани такомиллаштириш зарурати;

-янги интелектуал мулк ва инновацион маҳсулотлари бозорини ташкил этиш зарурати;

-барча замонавий тармоқлар ва инновацион фаолиятнинг турли йўналишлари бўйича ахборот технологиялари ва маълумотлар базасини ривожлантириш, илмий кашфиётларни амалга ошириш муддатларини қисқартириш мақсадида инновацион инфратузилма элементларини ривожлантириш;

-инновацион фаолиятни

рағбатлантириш (солик) тизимини шакллантириш, юқори технологик тармоқларда ИТКИ ва тадқиқотларни амалга ошириш харажатларини ошириш;

-инновацион жараённинг дастлабки босқичларида инновация фаолиятини таъминлашда давлат томонидан молиялаштиришни аҳамиятини тан олиш, мулқ хукуқидан фойдаланишнинг хукуқий маданиятини шакллантириш;

-олим, кашфиётчи ва инноваторларнинг ижодий фаоллигини сақлаш ва рағбатлантириш учун шароитлар яратиш, кадрларнинг инновацион фаолият соҳасида маҳсус ўқитилганларни тайёрлаш тизимини яратиш.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. <https://cyberleninka.ru/article/n/seti-i-hozyaystvennaya-zhizn>
2. Кочетков С. В., & Кочеткова О. В. (2016). Модель состояния инновационного потенциала промышленных предприятий. Инновации, (5 (211)).
3. Rјapuhina V. N., & Zarkovič A. V. (2015). Problem formiranja inovacione kulture kao faktora pozitivne inovacione klime-uloga obrazovanja. Godišnjak Učiteljskog fakulteta u Vranju, (6), 435-448.
4. Растворцева С.Н. Инновационный путь изменения траектории предшествующего развития экономики региона // Экономика региона. 2020. – Т.16, вып.1 –С. 28-42;
5. Романова О.А. Приоритеты промышленной политики России в контексте вызовов четвертой промышленной революции. Ч. 2. // Экономика региона. - 2018. - Т. 14, вып. 3. – С. 806-819
6. Вазагова Ф.В., Кильчуков З.Х. Роль отраслей промышленного комплекса в реализации новой модели развития экономики // Фундаментальные исследования. 2015. – № 2-2. – С. 343-346.
7. Зинченко В.И. Региональная система мониторинга инноваций // Инновации. 2009. –№ 1. – С. 27.
8. Баранчеев В. П., Масленникова, Н. П., & Мишин, В. М. (2015). Управления инновациями.– С. 124–125.
9. Ерохин П.В. О категории «ликвидность» в экономической теории. Критерии ликвидности // Вестник ИНЖЭКОНа. Серия: Экономика. 2013. № 6 (65). С. 134–137
10. <https://elibrary.ru/defaultx.asp?>



11. Трифилова А.А. Оценка эффективности инновационного развития предприятия / А.А. Трифилова. – М.: Финансы и статистика, 2005.
12. Barancheev V. P., Maslennikova, N. P., & Mishin, V. M. (2015). Innovation management. Pp. 124-125.
13. Batirova N. S. (2019). ANALYSIS OF THE INNOVATIVE LEVEL OF INDUSTRY IN THE TASHKENT REGION. Economics and Finance Vol. 12. Pp. 47-70. doi.org/10.34920/ivm.12.2019.63-70
14. Block, F. (2015). Innovation and the invisible hand of government. In State of innovation. Pp. 9-34.
15. Vazagova F.V., Kilchukov Z.H. (2015) The role of the branches of the industrial complex in the implementation of a new model of economic development. Fundamental research. Pp. 343-346.
16. Erohin P.V. On the category “liquidity” in economic theory. Liquidity criteria // Vestnik INZHEKON.\Economics. 2013. No. 6 (65). z. 134-137
17. Kolmakov V. V. and Polyakova, A. G. Karpova, S. V. and Golovina, A. N. (2019). Cluster development based on competitive specialization of regions. Economy of Region, Vol. 15. Pp. 270–284. doi: 10.17059/2019-1-21.
18. Kochetkova S.V., Kochetkova O.V. (2016). Model of the condition of the innovative potential of industrial enterprises. Innovations, (5 (21)).
19. Maslennikov M. I. (2017). The technological innovations and their impact on the economy. Economy of Region. Vol. 4. Pp. 1221–1225. doi: 10.17059/2017-4-20.
20. Neganova V. P. and Dudnik, A. V. (2019). Openness to innovations of the regional agro-industry as a subjective factor of innovative activity. Economy of Region. Vol. 15. Pp. 880–892. doi: 10.17059/2019-3-19.